

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergositish” АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил 29 ноябрдаги
9-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSITISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
МАЪЛУМОТЛАРНИ МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ТИЖОРАТ
СИРЛАРИ ТУРКУМИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ, УЛАРНИНГ
МАХФИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ ОШКОР ЭТИЛИШИ
ВА НОҚОНУНИЙ Фойдаланилиши УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. МАНФААТДОР ШАХСЛАР	3
III. МАЪЛУМОТЛАРНИ МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ТИЖОРАТ СИРЛАРИ ТУРКУМИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ	5
IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	8

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Тижорат сирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, маълумотларни махфий маълумотлар ва тижорат сирлари туркумига киритиш мезонларини белгилайди.

2. Низом қуйидагиларни тартибга солади:

- маълумотларни махфий маълумотлар ва тижорат сирларига киритиш тартиби;
- маълумотларнинг махфийлигини ҳимоялаш тартиби;
- махфий ахборот ва тижорат сирлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

3. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- махфий маълумотлар – қонунчиликка мувофиқ кириш чекланган ҳужжатлаштирилган маълумотлар;

- тижорат сирлари – учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли тижорат қийматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони бўлмаган маълумотлар ва ушбу маълумотларнинг эгаси уларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

4. Махфий маълумотларни муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йил 24 февралда 2081-сон билан рўйхатдан ўтган “Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисида”ги низом асосида белгиланади.

II. МАНФААТДОР ШАХСЛАР

5. Жамиятнинг манфаатдор шахсларига қуйидагилар киради:

- Жамият билан тузилган шартномалар асосида махфий маълумотларга ва тижорат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шу жумладан аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари), баҳоловчилар (баҳоловчилар билан меҳнат шартномалари тузган юридик шахслар), қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари;

- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 20 фоизига эгалик қилувчи шахслар, шунингдек, Жамият устав капиталига эга бўлгани сабабли қонун ва таъсис ҳужжатлари асосида махфий маълумотларга ва тижорат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ акцияларни

сотиб олиш бўйича ихтиёрий, мажбурий ёки рақобатдош таклиф берилганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган, шу жумладан акциядорлик жамиятига ихтиёрий ёки рақобатдош таклифлар киритган шахслар, банк кафолатини тақдим этган кредит ташкилоти, баҳоловчи;

- Жамиятнинг маълумотларини ошкор қилувчи ёки Жамиятга маълумотларни тақдим этувчи ахборот агентликлари;

- Жамиятга ва унинг қимматли қоғозларига рейтингларни беришни амалга оширадиган шахслар;

- Жамият билан тузилган меҳнат ва (ёки) фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Жамиятнинг махфий маълумотларига ва тижорат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ Жамиятнинг махфий маълумотларига ва тижорат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар.

6. Жамиятнинг махфий маълумотлар ва тижорат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қуйидагиларга мажбурдир:

- махфий маълумотлар ва тижорат сирларидан ноқонуний фойдаланишга ва/ёки ушбу маълумотларнинг ошкор этиш ҳолатларининг олдини олишга ва шунингдек ушбу маълумотлардан нотўғри фойдаланишдан ҳимоя қилиш ва олдини олиш учун ўз ваколатлари доирасида барча чораларни кўришга;

- қимматли қоғозлари билан амалга оширилган операциялар ва қиймати Жамиятнинг қимматли қоғозларига боғлиқ ҳосилавий молиявий инструментлар бўлган шартномалар тузилганлиги тўғрисида Жамиятни хабардор қилишга (хабар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади);

- Жамият томонидан ўрнатилган маълумотларнинг махфийлиги режимига риоя қилишга;

- Жамиятнинг розилигисиз махфий маълумотлар ва тижорат сирларини тақдим этмасликка, тарқатмасликка ва улардан фойдаланмасликка;

- манфаатдор шахс мақомини йўқотганда, махфий маълумотлар ва тижорат сирларини ўз ичига олган мавжуд моддий ташувчиларни Жамиятга топширишга ва унга электрон шаклда тақдим этилган шундай маълумотларни йўқ қилишга;

- маълумотга рухсатсиз киришнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари, шунингдек маълумотни ва (ёки) маълумотга кириш воситаларни (сейфлар калитлари, муҳрлар, гувоҳномалар, рухсатномалар, пароллар ва х.к.) ўз ичига олган моддий ташувчиларнинг йўқотилиши тўғрисида дарҳол ваколатли шахсга, шунингдек, бевосита раҳбарга ёки унинг ўринбосарига хабар беришга;

- рухсати бўлмаган шахсларга, шу жумладан ушбу маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган Жамиятнинг бошқа ходимларига махфий

маълумотлар ва тижорат сирлари билан боғлиқ маълумотлар билан танишиш эҳтимолини истисно қиладиган ёпиқ режимли объект ичидаги талабларга риоя қилишга;

- махфий маълумотлар ва тижорат сирлари билан боғлиқ бўлган ва улар билан ишлашга рухсат берилмаган маълумотлар билан танишишга ҳаракат қилмасликка;

- ишбилармонлик музокараларини олиб боришда махфий маълумот ва тижорат сирларига тегишли маълумотларни ошкор қилишнинг олдини олишга.

III. МАЪЛУМОТЛАРНИ МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ТИЖОРАТ СИРЛАРИ ТУРКУМИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

7. Маълумотларни махфий маълумотлар ва тижорат сирлари туркумига киритишнинг бир неча мезонлари мавжуд.

7.1. Илмий-техник, ишлаб чиқариш ва технологик масалалар:

- Жамиятнинг алоқа тизимини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан техник воситаларнинг жойлашуви ва уларнинг техник хусусиятлари, алоқа тармоғининг қурилиши хусусиятлари ва келажакда тармоқни ривожлантириш чоралари бўйича режалар;

- истиқболли илмий тадқиқотларнинг мақсадлари, вазифалари ва дастурлари ҳақидаги маълумотлар;

- Жамият манфаатларида амалга оширилаётган тадқиқот ишларининг асосий ғоялари, тадқиқот ишларининг бориши (шу жумладан дастурий таъминотни ишлаб чиқиш соҳасида);

- яратилаётган маҳсулотларнинг конструкциявий хусусиятларининг аниқ қийматлари ва ишлаб чиқарилаётган технологик жараёнларнинг оптимал параметрлари тўғрисидаги маълумотлар;

- алоқа тармоқлари ва ускуналарининг экспериментлари ва синовлари, шунингдек, улар амалга оширган ускуналарнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

- Жамият манфаатларини қамраб олувчи ва ижобий иқтисодий самарани таъминлайдиган конструкторлик, технологик, бадий ва техник ечимларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

- дастурий таъминот ва савдо белгиларини ҳимоя қилиш усуллари ҳақидаги маълумотлар;

- Жамият ривожланишининг истиқболларини акс эттирувчи аналитик ва график кўрсаткичлар;

- компьютер ускуналари ва фойдаланилаётган дастурий таъминотнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар.

7.2. Маъмурий, бошқарув ва кадрлар масалалари:

- Жамиятда қўлланаётган бошқарув усуллари, менежерлар ва ходимларни танлаш тамойиллари ҳақидаги маълумотлар;

- Жамият раҳбарияти томонидан тижорат, ташкилий, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва бошқа масалалар бўйича қабул қилинган алоҳида қарорларнинг тайёрланиши, қабул қилиниши ва бажарилиши ҳақидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг бошқарув органлари йиғилишлари ва мажлислари, улар ҳақидаги фактлар, мақсадлари, мавзуси ва натижалар ҳақидаги маълумотлар;

- иш ҳақи фонди ҳажми ва мукофотлаш тизими;

- ходимларнинг шахсий маълумотлари;

- ходимларнинг ҳисобини юритиш ёзувлари;

- кадрлар бўйича буйруқлар ва уларга асослар ҳақидаги маълумотлар.

7.3. Фаолиятни узок муддатга режалаштириш масалалари:

Жамият манфаатларини кўзлаб турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки қисқартириш бўйича шериклар режалари ҳақидаги маълумотлар (бундай қадамлар учун техник-иқтисодий ва маркетинг асослари);

- инвестициялар, харидлар ва сотиш режалари ҳақидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг бозор стратегияси ҳақидаги маълумотлар;

- Жамият томонидан режалаштирилаётган сотиш усуллари, маркетинг қадамлари (тариф режаларининг ўзгартирилиши, қўшимча чегирмалар ва хизматларнинг жорий этилиши, реклама акциялари ва ҳ.к.) ҳақидаги, шунингдек, уларни амалга ошириш учун молиявий маблағлар миқдори ҳақидаги маълумотлар;

- тижорат фаолиятининг самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар;

- Бозор конъюнктурасининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини баҳолашни ўз ичига олган маркетинг тадқиқотларининг натижалари ҳақидаги маълумотлар;

- айрим патентлар, лицензиялар ва техника намуналарини харид қилиш режалари ҳақидаги маълумотлар.

7.4. Молиявий-иқтисодий масалалар:

- даромадлар, тўғридан-тўғри харажатлар, эксплуатация ва эксплуатациядан ташқари харажатлар, айланма маблағлар бўйича Жамият бизнес-режасининг жорий бюджет кўрсаткичларини очиқ берувчи аниқ маълумотлар;

- капитал қўйилмаларининг, тадқиқот ишларининг ва янги техникани жорий этиш ишларини молиялаштиришнинг режалаштирилган ва амалдаги миқдорлари ҳақидаги аниқ маълумотлар;

- кредит ташкилотларида пул маблағининг жойлаштирилиши ёки уларнинг жалб қилиш ҳажмлари ва шартлари ҳақидаги аниқ маълумотлар;

- узоқ муддатли молиявий лойиҳаларни (молиявий лизинг, узоқ муддатли кредитлаш ва ҳ.к.) тузиш шартлари ҳақидаги маълумотлар;

- янги лойиҳалар ва реклама компанияларининг молиялаштириш миқдорлари ҳақидаги маълумотлар;

- махсус битимлар ва бартер операциялари бўйича тўлов шартлари, қоплаб бериладиган битимлар шартлари ҳақидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг банк ҳисобварақларининг ҳолати ва улар бўйича жорий банк операциялари тўғрисидаги маълумотлар.

7.5. Савдо-иқтисодий масалалар:

- бизнес ҳамкорлар билан музокаралар тайёрланиши ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар;

- савдо музокаралари давомида Жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган Жамият вакилларининг позициясини ошкор қилувчи маълумотлар;

- битимни ишлаб чиқиш ва тузиш учун белгиланган муддатлар, унинг шартлари ва битим жараёнига таъсир этувчи омиллар ҳақидаги маълумотлар;

- Жамиятга келиб тушаётган ва ўрганиб чиқиляётган буюртмалар ва таклифлар ҳақидаги маълумотлар;

- муддатидан олдин тарқатилиши Жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган Жамиятнинг маҳаллий ва хорижий буюртмачилари, пудратчилари, маҳсулот етказиб берувчилари, мижозлари, истеъмолчилари, харидорлари, шериклари, хомийлари, воситачилари ва бошқа бизнес ҳамкорлари ҳақидаги маълумотлар;

- очик маълумотларда мавжуд бўлмаган Жамиятнинг рақобатчилари ҳақидаги маълумотлар;

- маҳсулотга янги истеъмол фазилатларини берадиган маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни фойдали етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлар;

- бизнес ҳамкорлар билан ҳисоб-китоблар усуллари, тузилмаси, маҳсулотнинг нарх даражаси ва Жамият томонидан бериляётган чегирмалар ҳақидаги маълумотлар.

7.6. Хавфсизлик масалалари:

- Жамиятда тижорат сирларининг сақланишини таъминлаш тартиби ва ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

- Жамиятга ишончли асосда берилган ҳамкор корхоналарининг тижорат сирлари ҳақидаги маълумотлар;

- агар бу шартнома ёки келишувда назарда тутилган бўлса, ҳамкор томонидан “махфий” деб белгиланиши талаб этиляётган маълумотлар;

- илмий-техник ёки иқтисодий масалалар бўйича учинчи шахсларга нисбатан норасмий равишда ёки махфийликни сақлаш шартларини ўз ичига олган шартномалар орқали олинган маълумотлар;

- Жамият бошқарув ходимларининг вазирликлар ва идоралар билан ўзаро алоқа тартиби ҳақидаги маълумотлар;

- Жамият объектларига кириш тартиби ва хавфсизлик сигнализациясининг кодлари ва комбинациялари ҳақидаги маълумотлар;

- хавфсизликни ташкил этиш тартиби ва ҳолати, кириш режими ва сигнализация тизими ҳақидаги маълумотлар.

Жамият Ижро органи мазкур мезонларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8. Мазкур Низом талабларини бузганлиги учун айбдор шахслар Қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9. Маълумотларни махфий маълумотлар ва тижорат сирлари туркумига киритиш бўйича ишларни ташкил этиш, махфий маълумотлар ва тижорат сирларининг рўйхатини тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, ваколатли шахс томонидан ўз вазифаларини самарали ва тўсқинликсиз бажариши учун шароитлар яратиш ишларини ташкил этиш Жамиятнинг Бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

10. Махфий маълумотларни ва тижорат сирлари ҳимояси Жамият томонидан махфийлик йўқолгунга қадар амалга оширилади.

11. Низом талаблари барча манфаатдор шахслар, шу жумладан акциядорлар ва Жамият ходимлари томонидан бажарилиши лозим.

12. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва/ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгаришлар киритилса ва бу ўзгаришлар натижасида мазкур Низомнинг айрим бандлари ушбу ўзгаришларга зид келса, мазкур бандлар қонунчилик кучга кирган санадан бошлаб қўлланилмайди.

Бунда мазкур Низомга тегишли ўзгаришлар киритилиши лозим. Жамият ходимлари ва Низомда кўрсатилган бошқа шахслар мазкур Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига амал қиладилар.